

АЛИШЕР НАВСИЙ ВОМИДАТИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЛКАШУНОСЛИК АДАБИЁТЛАРИНИ
ТАРҒИБ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ЎЛКАШУНОСЛИК АДАБИЁТЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Методик-библиографик қўлланма

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2010**

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	М. Матмурадова
Муҳаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Ўлкашунослик адабиётларини тарғиб қилиш усуллари: Методик-библиогр. қўлланма /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М. Матмурадова; Муҳаррир Ж. Қўнишев; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. - Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. - 48 б.

КБК 78.342+26.89 (5Ў)

Ўлка ҳақидаги адабиётлар ҳар хиллигига қарамай, уларнинг ҳаммаси бир мақсадга — ўлка (қишлоқ, шаҳар, вилоят, туманлар) ҳаётининг турли томонларини ўрганиш, текшириш асосида яратилган бу китоблар шу ўлкаларни кейинги авлодларга ўрганиши учун хизмат қилади. Ушбу методик-библиографик қўлланмада ана шундай адабиётларни тарғиб қилиш жараёни турли-туман шаклларда акс эттирилган.

Қўлланмадан ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар мутахассислари ҳамда шу соҳага қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010

Муқаддима

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ўсаётган авлодга халқимизнинг асрлар давомида яратган маънавий қадриятларига таянган ҳолда тарихий ва илмий жиҳатдан асосли таълим ва тарбия беришнинг анъанавий, миллий шакллари ривожлантириш учун катта имкониятлар очиб берди.

Ўз ўлкасининг тарихи, маданияти, санъатини ва унда амалга оширилаётган улуғвор ишларни билиш ва ўрганиш ҳар бир инсоннинг виждон олдидаги бурчидир.

Ўлка ҳақидаги адабиётларни кенг тарғиб қилишда ахборот-кутубхона маркази (АКМ) ва ахборот-ресурс маркази (АРМ) ва кутубхона ходимлари китобхонларга ўз ўлкасини яхши билишга яқиндан туриб ёрдам беришлари керак. Китобхон ўзи туғилиб ўсган ўлкасининг табиий тузилишини, қадрдон халқ, унинг тарихи, маданияти ва тилини севмасдан туриб бошқаларда ўзига нисбатан ҳурмат ва дўстликни қарор топтира олмайди. Шуларни ҳисобга олиб, АКМ ва АРМ ҳамда кутубхоналар ўлқашуносликка оид адабиётлар тарғиботига алоҳида эътибор берган ҳолда иш олиб боришлари лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳудуд ҳақидаги бадий асарлар, хотиралар, хатлар, адабий-танқидий мақолалар, энциклопедия, вақтли матбуот, монография, қадимий қўлёзмалар, маҳаллий адиблар ва маҳаллий улуғлар ҳақидаги битиклар, минтақа ҳақида маълумот берувчи китоблар, туман, шаҳар, республика матбуотида чоп этилган мақолалар бундай маълумотларнинг манбалари саналади.

АКМ, АРМ ҳамда кутубхоналарда ўлка ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш йўллари турли-тумандир ва бу йўлда улар тарғиботнинг китоб тақдироти, илмий-амалий анжуман, китобхонлар конференциялари, савол-жавоб кечалари, учрашув кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, адабий-бадий кечалар, хотира соати, китоб кўргазмалари ва кўргазмадаги адабиётлар обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Мавзунинг моҳиятини ва бугунги ўрнини чуқур очиб бериш учун АКМ, АРМ ҳамда кутубхона ходимлари ижтимоий-сиёсий,

иқтисодий-тарихий, санъат ва меъморчиликка оид бадиий адабиётларга мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ.

Тадбирларга диншунослар, фольклоршунослар, тарихчилар, файласуфлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, журналистлар, ёзувчи ва шоирлар, геологлар, экологлар, гидрологлар, археологлар, этнографлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўлкашунослик музейлари ходимларини жалб қилиш ҳамда Республика маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Экосан”, “Наврўз” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика ўсмирлар ва ёшлар сайёҳлик-ўлкашунослик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмани тайёрлаш жараёнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ахборот-кутубхона муассасалари ходимларига ёрдам тариқасида алоҳида берилди.

Шунингдек қўлланманинг иловасида ўлкалар ҳақидаги адабиётлар рўйхати тўпланишига кўра намуна сифатида вилоятлар бўйича тартибга солиниб берилди.

Ўлка ҳақидаги адабиётларнинг хиллари ва турлари

Ўлка — бу турли миллат кишиларини ягона жамоага бирлаштирувчи умумий ҳудуд.

Ўлка деб географик, ижтимоий ва маданий тарихий ўзига хосликка эга бўлган ва унда яшовчи аҳоли ўртасида маълум иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалар ўрнатилган ҳудуд тушунилади. XX асрнинг 70-йилларида ўлка деганда ҳаттоки ҳажми жиҳатдан унча катта бўлмаган, маълум бир географик объектга тегишли ҳар қандай жой тушунилган. Ўлканинг энг сўнгги изоҳларидан бирида ўлка моҳияти жиҳатдан уни ким ва қайси мақсадларда ўрганилишига боғлиқ бўлган шартли тушунча сифатида баҳоланди: туман музейи учун шаҳар битта ёки бир қанча маъмурий туман бўлиши мумкин, мактаб учун, одатда, у ҳақидаги маълумот маҳаллий материал сифатида фойдаланиш мумкин бўлган туман бўлиши мумкин, бу мактаб атрофидаги ҳудуд, шаҳар, вилоят, республика ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ўлка ўзининг маъмурий ҳудудий чегарасига эга бўлган мамлакатнинг ҳар қандай кичик бир бўлаги, ҳудуди ҳисобланади.

Ўлканинг шаклланиши аниқ тарихий шароитда кечади. Баъзан бунда аниқловчи жойнинг географик аҳволи бўлса, бошқа гал эса ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий, маданий жараёнлари бўлади.

Бу ўзига хослик ўлкадаги ижтимоий ривожланишнинг умумий қонунлари шаклида акс этади. Ҳудуднинг кичиклиги ҳажми билан эмас, балки уни бошқа ҳар қандай жойдан ажратиб турадиган табиий тарихий хусусиятлари билан белгиланади.

Турли даврларда ўлкашунослик фан сифатида, гоҳ услуб ёки синтетик фаолият сифатида қараб келинди. География фанлари доктори А. С. Барков “Ўлкашунослик мазмунан турли ва тадқиқот услуби жиҳатидан хусусий, лекин социал қурилиш масалаларида тўлиқ илмий ва ҳар томонлама ўрганишга олиб боровчи илмий фанлар комплекси”, деб таърифлаган.

Бошқа бир авторлар ўлкашунослик ўз ўлкасини ҳар томонлама ўрганувчи маҳаллий халқни бирлаштирувчи ижтимоий ҳаракат, шунингдек, шу аҳолига нисбатан ўлкани ҳар томонлама ўрганиш, деб қарайди.

Яна бир гуруҳ мутахассислар томонидан ўлкашунослик бу маҳаллий аҳоли томонидан улар учун жонажон ўлка ҳисобланган қишлоқ ёки шаҳар, туман ёки мамлакатнинг бир қисмини ҳар томонлама ўрганиш тушунилади, деб изоҳланган таъриф кенг тан олинган.

Узоқ йиллар мобайнида ўлкани ўрганиш манбаи, ўлка ҳақидаги социал ахборотни рўйхатга олиш ва тарқатишнинг асосий воситаси китоб бўлиб келган. Ҳозирга келиб ахборот манбаи бўлган ҳужжатлар доираси жуда кенгайган. Уларга китоблар ва бошқа қўлёзма ҳужжатлар билан бир қаторда, грампластинкалар, ленталар, грамёзувлар, хариталар, кинофотоматериаллар, электрон ҳужжатлар ҳам киради.

Ўлкашунослик ҳужжатларини танлашда мазмун белгиси асос қилиб олинади. Ўлкашунослик ҳужжатларининг мазмун белгиси қуйидагилар бўлади:

1. Ўлканинг географик ҳолати, рельефи, иқлими, фойдали қазилмалари, сув манбалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни қўриқлаш фаолияти ҳақидаги ахборот маълумотларнинг мавжудлиги;

2. Ўлка ташкилотларининг фаолияти (сессия, пленум, конференция, кенгаш материаллари) ҳақидаги ахборот;

3. Ўлка аҳолисининг ўлканинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида иштироки, ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги;

4. Ўлкада саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги;

5. Ўлканинг фани, маданияти, маорифи, шунингдек, ўлканинг фахри бўлган шахслари ҳақидаги ахборотлар акс эттирилган ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ўлкашунослик ҳужжати бу мазмунан ўлка билан боғлиқ бўлган ҳар қандай манбадир. Улар китоб ёки унинг бўлими, боби, журнал ёки газетада босилган мақола, харита, пано, овоз ёзилган магнит тасмаси, кинофото ҳужжат, диафильм компакт диск ва шу каби материаллар бўлиши мумкин.

Мазмунан деганда, ҳужжатда ўлка ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги тушунилади. Ўлкашунослик ҳужжатларини аниқлашда унинг нашр жойи, тили, хили, тури, ҳажми ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ўлканинг машҳур шахслари ҳақидаги асарлар ва у шахсларнинг асарларини ўлкашунослик адабиётлари таркибига киритиш масаласи ҳам мунозара бўлиб келмоқда. Уларни икки қисмга ажратиш мумкин:

1. Ўлка билан ўз ҳаёти ва ижодий фаолиятининг боғлиқлиги ҳақида ҳикоя қилувчи матбуот асарлари. Бундай асарларда ўлка ҳаётининг у ёки бу томони ёритилган бўлиши мумкин ёки у шахс ўз фаолияти билан ўлка ҳаётида муҳим из қолдирган бўлиши мумкин.

Булар, албатта, ўлкашунослик ҳужжатлари бўлади.

2. Шу ўлкада яшаётган ёки туғилган шахс бўлса, у ерда ҳеч қандай муҳим иш бажармаган ёки ижоди ҳам ўлка билан боғлиқ бўлмаса, у ҳақидаги асар муглақо ўлкашунослик ҳужжати бўла олмайди.

Ўлкашунослик ҳужжати нашр тури ва хилидан қатъий назар, ўлка билан боғлиқ ахборотни ўз ичига олади. У босмахона йўли билан босилган матнли ҳужжат, ротопринтдан чиқарилган ҳужжат, ксеро нусхаси олинган ҳужжат бўлиши мумкин. Ўлкашунослик ҳужжатларининг турлари ва хиллари қуйидагиларга ажратилади.

Турлари: китоблар, кичик рисоалар, вақтли ва давомли нашрлар, улардаги мақолалар, аудиовизуал ҳужжатлар (нота, хариталар, эсталиклар, бадий репродукциялар, плакатлар, откриткалар, альбомлар, шунингдек, киноматериаллар, пластинкалар, магнит

тасмалари, видеокассеталар, электрон дисклар) ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хиллари: илмий, илмий оммабоп, ишлаб чиқариш, маълумотнома, ўқув адабиётлари ва ўлка ҳақидаги бадий асарлар.

Китоб ва кичик рисоалар кўп йиллардан буён, тўғрироғи, Октябрь тўнтаришидан илгариги даврдан бошлаб маҳаллий жойлар — Самарқанд, Бухоро, Скобелев, янги Марғилон шаҳарларида чоп этила бошланган.

Кейинги йилларда турли ўлкаларга, мамлакатимизнинг шаҳар ва туманлари, вилоятлари, тарихий жойларига бағишланган китоблар кўплаб чиқарилмоқда.

Маҳаллий (вилоят, шаҳар, туман) газеталар ўзида 80 фоиздан ортиқ шу маҳаллий жой ҳаётининг турли масалалари, томонларига бағишланган мақолаларни ёритиб борганлиги сабабли улардан ўлкашунослик маълумотларни қидиришда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Яна бир томони, бундай газеталар саҳифаларида босилган мақолалар бошқа ҳеч бир манбада босилмайди, улар мазмун жиҳатдан ўлкага оид муҳим маълумот бўлиши мумкин. Шу сабабли маҳаллий вақтли нашрлар катта аҳамиятга эга бўлган ўлкашунослик ҳужжатларининг турига киритилиши мумкин. Универсал ва тармоқ журналлар, газеталар, тўпламлар саҳифаларида ўлкашунослик материаллари ёритиб борилади.

Аудиовизуал материаллар ҳозирда хилма-хил: кинофильмлар, диафильмлар, микрофильмлар. Яна ҳозирда хариталар, фотоальбомлар, мусиқа нота асарлари ҳам кўп. Масалан, ҳар бир вилоятнинг ўз харитаси мавжуд. XX асрнинг 70 йиллари охирларида барча вилоятларга бағишлаб фотоальбомлар чиқарилган. Айниқса, Самарқанд, Хива, Бухоро вилоятларига бағишланган фотоальбомлар кўплаб чиққан. Мусиқа нота асарлари ҳам кўп, масалан: София Сафтарованинг “Самарқанд” қўшиғи, М. Азимовнинг “Азим Бухоро”, машҳур “Ялла” ансамблининг “Тошкентим, онам” қўшиғи ва ҳоказо.

Ҳозирги ахборотлаштириш асрида ўлкашунослик ҳужжатларининг хиллари жуда кўп. Ўлкашунослик ҳужжатларининг нашр хиллари ҳам турлича. Улар материалнинг баён қилиниши ва китобхонлик доираси, мақсадига кўра ажратилади.

Ўлкашунослик ҳужжатларининг қуйидаги **хиллари** бор: илмий, ўқув, ишлаб чиқариш, илмий-оммабоп, маълумотнома

характеридаги асарлар. Ўлкашунослик ҳужжатларининг ичида яна ўлка ҳақидаги бадий асарлар хилини ажратиш мумкинки, уларнинг аҳамияти юқоридаги хилларга нисбатан кам эмас.

Ўлкашунослик мазмундаги илмий асарлар (илмий-тадқиқот хусусиятли) ўлкашунослик ҳужжатларининг катта қисмини ташкил қилади. Уларда ўлка билан боғлиқ бўлган ёки ўлканинг айрим масалалари: ижтимоий, халқ ҳўжалиги, илмий, маданий ҳаётининг алоҳида томонлари, ўтмиш тарихи, унинг машҳур шахсларига бағишланган маълумотлар илмий асосда ёритилади.

Ўлка ҳақидаги илмий адабиётларнинг асосий мақсади ўлка меҳнаткашларига мамлакат ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги ҳамма вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беришдир. Уларнинг мавзуий доираси кенг, лекин улар ичидан энг асосийларини ажратиш мумкин.

Ўқув адабиёти бўлажак мутахассисларга мустақил билим беришга мўлжалланган. Ўрта мактаб ўқув дастурларида ўлка мавзусига ҳозирча алоҳида ўрин ажратилган бу адабиёт кўпроқ ўқитувчилар учун услубий қўлланмалардан иборат. Яна улар ичида олий ўқув юрти талабалари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари кўп учрайди. Масалан, Ю. Ғ. Маҳмудовнинг “Физикадан ўлкашуносликка доир материалларни ўрганишда предметлараро боғланиш” номли ўқитувчилар учун қўлланмаси. Ўқув адабиёти ичида турли воҳалар, водийлар бўйича чиққан хариталар, атласларни ҳам олиш мумкин.

Ўлка ишлаб чиқаришига оид адабиётлар, асосан, халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқлари, улардаги ютуқлар, тажрибалар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларини ёритувчи кўп нусхадаги китоб ва кичик рисоалардан иборат.

Масалан, “Андижон вилояти маҳаллий саноати юксалиш йўлида”, Р. Назаров ва А. Муҳаммадиевнинг “Қашқадарё вилояти шароитида ғўзадан мўл ҳосил етиштириш бўйича қўлланма”си (2002), Қ. Давлатовнинг “Тармоқнинг оидин йўли” (Ҳазорасп Пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тарихидан лавҳалар) (2005) ва бошқа нашрлар мисол бўла олади.

Илмий-оммабоп ўлкашунослик нашрларини катта тарбиявий, ватанпарварлик хусусиятига эга бўлган кўп сонли кичик рисоалар ва айрим ҳолларда катта ҳажмдаги китоблар ташкил этади. Бу адабиётлар жонажон ўлкага муҳаббат, ҳурмат, у билан фаҳрланиш туйғуларини тарбиялайди.

Ўлка ҳақидаги илмий-оммабоп адабиётлар мазмунига, китобхонлик доирасига, нашр шаклига кўра турларга ажратилади.

Мазмунига кўра ўлка ҳақидаги умумий ишлар (ўлкага тўлиқ оид бўлган), ўлка ҳаётининг алоҳида соҳаси, мавзусига оид ишлар, ўлка билан у ёки бу томондан боғлиқ бўлган ўлканинг машҳур шахслари (арбоблари) ҳақидаги асарларга бўлинади.

Масалан, А. Набиевнинг “Хўжабод тарихи” китоби (1993), С. С. Бухорийнинг “Буюк Хоразмийлар” (1993) рисоласи, Н. Исмоиловнинг “Денов таронаси” (Денов ва деновликлар ҳаётидан лавҳалар) асари; “Қорақўллик куйчилар” (1994), “Андижон тарихидан лавҳалар” (2008), Ҳ. Ҳамиднинг “Карманалик олимлар” (2007) рисоласи, О. Сафаровнинг “Шофирконнома” асари (2008) ва бошқалар.

Ўлкага оид маълумотнома адабиётлари энциклопедиялар, маълумотномалар, йўл кўрсаткичлар, фотоальбомлар, харита ва атласлар, китоб хатчўпларини ўз ичига олади. Энциклопедиялар универсал ва тармоқ энциклопедияларга ажратилади. Универсал “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” материалларининг 40 фоиздан ортиғини Ўзбекистоннинг турли вилоятлари, шаҳарлари, туманлари, географик жойлари, тоғ-кўллари, йирик иншоотлари ва ҳоказоларга бағишланган ўлкашунослик маълумотлари ташкил этади.

“У ким? Бу нима?” болалар энциклопедияси, “Уй-рўзгор энциклопедияси” универсал нашрлари ҳам бой ўлкашунослик маълумотларини ўзида мужассамлаган. “Тошкент” энциклопедияси (Т., 1983; 1993) айнан ўлкага бағишланган соф ўлкашунослик энциклопедияси ҳисобланади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йилик юбилеи муносабати билан чиқарилган “Тошкент” энциклопедияси ҳам бунга яққол мисолдир.

Янги турли йўл кўрсаткичлар ҳам талайгина. Жумладан, “Тошкент кўчалари”, “Тошкент театрлари”, “Тошкент музейлари”, “Самарқанд архитектура ёдгорликлари”, “Самарқанд=Samarkand: Путеводитель” (2007), Б. Бердиевнинг “Навоий вилоятининг тарихий манзилгоҳлари” (2008) ва бошқалар.

Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлаб фотоальбом 1997 йилда чиқарилди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган фотоальбом ҳам (2007) чиқарилган. “Тарихий Самарқанд” (XIX-XX асрларига оид

фотосуратлар (2007), С. Джанахмедовнинг “Қорақалпоғистон” (альбом) иллюстрациялари (2007), “От Тумангана до Сырдарьи” Фотоальбом к 70-л. проживания корейцев в Узбекистане” (2007), “Навоний – сахро бағридаги мўъжиза шаҳар” китоб-альбоми (2008), “Кўҳна Бухоро” номли XIX аср охири XX аср бошларига оид гравюра, фотосуратлар, открыткалар акс этган альбом (2008) ва бошқалар нашр этилган.

Шунингдек, ўлка ҳақида билбиографик қўлланмалар ҳам нашр этилган.

М. Тилсумуратовнинг “Историография и библиография по истории народов Приаралья с древнейших времен до 1917 года” (Метод. пособие), (1992), “Рўйи замин сайқали=Самарқанд – краса земли” (Самарқанднинг 2750 йиллигига ўзбек ва рус тилларида (2007), “Тошкент” кўрсаткичи (Т., 1983), “Ташкент в прошлом, настоящем и будущем” (1982) (Тошкентнинг 2200 йиллигига) “Тошкент” (к 2200-летию (2008), “Тошкент 2200 ёшда” (2009) библиографик кўрсаткичлари тузилган.

Ўлкашунослик ҳужжатларини тарғиб қилиш бўйича намунавий тадбирлар тури “Ўлка тарихи ва бугуни” мавзусида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган кўргазма ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида, кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирни тўлдиради.

Кўргазма куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Ўлка тарихига бир назар

Қушлар кетмас боғингдан,

Тоғ, дала, чорбоғингдан.

Мафтун этар оламини

Чиройи суқсур Ватан.

Н. Раҳматов

Бу бўлимда ўлка тарихига оид бўлган илмий нашрлар, монографиялар, рисоалар ва илмий мақолалар, ўлка ҳақидаги таржима асарлари ва бошқа адабиётларни намойиш этиш мумкин.

2. Ўлкам фаҳрим менинг

Яна бағрингдаман, эй, азиз ўлка,
Чўллар нафасини сездим кўксимда.
Ёмғирдан сўнг, ёвмак ҳидидан маст,
Бир ястанай қайноқ кўксимда.

Н. И. Леонов

Бу бўлимга ўлка географияси, экологияси, геологияси ҳақидаги маълумотлар акс этган адабиётлар, илмий мақолалар, хариталар, ўлка аҳолиси ва моддий ресурсларнинг жойланиш хусусиятларини акс эттирувчи адабиётлар намоиш этилади.

3. Ўлка анъаналари ва урф-одатлари

Бу бўлимда ҳудуднинг урф-одатлари, анъаналари, расм-русум, иримлари ва маросимлари ҳақида маълумот берувчи адабиётлар, илмий мақолалар, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган манбаларни намоиш этиш мумкин.

4. Ўлкам — бадий адабиётда

Боғи беҳиштин хусн олган ажиб бўстондур,
Сервиқор манзилларда одимлаган карвондур.
Мирза Бобур изларин асраб қадим тупроғида,
Бахту иқбол қасрининг бунёдидин комрондур.

Хуршида

Бу бўлимда адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг бирон ҳудуд, ўлка, шаҳарни мадҳ этиб ёзган роман, қисса, дoston, шеърӣ тўпламлари ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалари намоиш этилади.

“Мадҳинг куйлай, жонажон ўлкам” мавзусида шеърхонлик беллашувини ташкил қилиш учун тавсиялар

Шеърхонлик беллашувининг мақсади шоир ва шоираларнинг ўз ўлкаси ҳақида ёзган шеърларига китобхонлар қизиқишини оширишдан иборат.

Шеърхонлик беллашувига шу ҳудуддаги мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Шеърхонлик беллашуви ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадиладар. Ҳар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган шеърининг мавзусини, агар имкон бўлса, қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Шеърхонлик беллашуви ўтказиладиган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида, кутубхоналарда ўлка тарихи ва бугунини акс эттирувчи китоб-суратли кўргазмасини ташкил этишни, шунингдек, санъаткорлар томонидан ўлка ҳақидаги кўшиқлар ёзилган видеотасмалар, дисклар ҳам намойиш этишларини тавсия қиламиз.

Куйида шеърхонлик беллашувида айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: Муҳаммад Юсуфнинг “Андижон” шеъри:

Андижон, кўнглимда кўкарган далам,
Йўлимга термулиб толган чор боғлар.
Мени соғинади соғинмасам ҳам
Боғи Бобурдаги момақаймоқлар.

Ўзинг улғайтирган ниҳолингга боқ —
На бўйинг етар, на қўлинг етади.
Болангдан шоҳ чиқса — ўзга юртда шоҳ,
Шоир чиқса, бари дайдиб кетади.

Бевафо дунёнинг ишларин кўрсанг —
Сен қурган саройга ҳинд меҳмон танлар.
Балки аҳил бўлсанг, сал кенгроқ бўлсанг,
Бағрингда бўлади Тожимаҳаллар.

Узр, гар оғринсанг, елкамга бош қўй,
Шод кунинг кўнглигни мен билан чоғла.
Бобурга илинсанг, менга қовун сўй.
Чўлпонни соғинсанг, мени қучоқла.

2-рақамдаги қатнашувчи: Муҳаммад Юсуфнинг “Андижоним” шеъри.

Боғи шамол бўйларида кезиб юрдим,
Боболарим пок руҳини сезиб турдим.

Тупроғини кафтга олиб кўзга сурдим,
Шоҳ паҳлавон Бобур юрти Андижоним.

Бунда яшар ўз аҳдига вафодорлар,
Кўзни олар лўппи-лўппи пахтазорлар.
Гул ундирган даласидан кетмай қорлар,
Азиз бободехқон юрти Андижоним.

Бу ўлкада Моҳларойим излари бор,
Парилардай қорамайиз қизлари бор.
Жамолидан ой уялган юзлари бор,
Тандир-тандир ширмой юрти Андижоним.

Бу маконни Хизр бобо қўллаб юрар,
Хирмонига пок нафасин йўллаб юрар.
Тушида ҳам даласини ўйлаб юрар,
Осмон қадар имкон юрти Андижоним.

3-рақамдаги қатнашувчи: Турсуной Содиқованинг
“Андижоннинг аёли” шеъри.

Ки у водийда битган
ҳар лутфи ўт-оловдир,
Ҳай-ҳай, бу ўт тутошса,
юз йилгача ёнодир.
Ошиқманг, ҳой ошиқлар,
ишқи ёмон балодир,
Ногоҳ куйиб кетсангиз,
кўтармасмиз уволин,
Ўтдан яралган суйсин
Андижоннинг аёлин!
Ўтдан яралган қайда,
топсак, тулпор атайлик,
Бизнинг йигитлар бундоқ,
деб элга кўрсатайлик.
Армонни кетса келмас
томонларга сотайлик,
Юртимнинг марди ичра
камайса гар ҳалоли,

Тўмарисдай орланур
Андижоннинг аёли!
Орланмайин бўлурми,
аёл озор ичинда,
Ҳам кўчаю, ҳам уй деб,
ишу бозор ичинда.
Аёл, аёл бўлолмай,
бўзлайдир ор ичинда,
Бу фожеанинг эрларга
келмай қолди малоли,
Аён Оллоҳга ҳоли
Андижоннинг аёлин.
Ё, рабб, тулпор ўнатиб
келар мардлар қайдадир,
От узра ҳиммати ҳам
хўб баландлар қайдадир?
Нечун бугунгиларнинг
феъли андак майдадир?
Тулпордан пастга тушгач,
шундоқми йигит ҳоли,
Армон тўла саволи
Андижоннинг аёлин!
(Шеър қисқартиб берилди).

4-рақамдаги қатнашувчи: Хуршида Ваҳобжон қизининг
“Андижон” шеъри.

Боғи беҳишдан ҳусн олган ажиб бўстондур,
Сервиқор манзилларга одимлаган карвондур.

Мирза Бобур изларин асраб қадим тупроғида,
Бахту иқбол қасрининг бунёдидин комрондур.

Нодира назмий навосин сеҳридин сарбаст эса,
Коинот юлдузлари ичра ёруғ Чўлпондур.

Зеби-зар тупроғига жонбахш меҳр сарчашмаси —
Дилдаги иймондир, кўнгулдаги паймондур.

Меҳнату сабрин риёзат кўксига карвон этиб,
Ҳуррият тулпорларин имконига шоёндур.

Дилда жўш ургай шижоат ким ғурур даврада
Рустами достондир, мардонаи даврондур,

Толеи хурлик қуёшин тафтидин порлар бу кун,
Миллатим, халқим дили осмондир, рахшондур.

Назм ила изҳори ишқ этгуси Хуршида, не бахт,
Айрилмас бир нафас кўнгулки Андажондур.

5-рақамдаги қатнашувчи: Холдоржон Қурбонбоевнинг
“Андижон шаънига “ шеъри.

Етарлидир, шукур, фараҳбахш дамим,
Бу тонг ҳам уйғондим зав-шавққа тўлиб.
Ҳақнинг илҳоми-ла йўндим қаламим,
Андижон шаънига сўз айтмоқ бўлиб.
Андижон қуёшли Ўзбекистоннинг
Паҳлавон ва дархон фарзанди эрур.
Турон замин деган зўр гулистоннинг
Ардоқли ва суюқ дилбанди эрур.
Бобур Мирзо уни севди, тўймади,
Бир умр қўмсади ўнгадою тушда.
— Оҳ, Андижон! — деди, тилдан қўймади,
Қўз юмди охир ҳам шу талпинишда.
Улуғ Ипак йўли давридан тортиб
Андижоним номи доим зикрда.
Кўҳна Кешдан ёши бирмунча ортиқ,
Бир тарихчи бобом шундай фикрда.
Тарихин бирма-бир эслаб ўтирмам,
Жўнгина “Андижон” дейиш кифоя.
Бунда жам ўтмишим, бугуним, эртам,
Меҳридан танда жон дейиш кифоя.
Қўшиқдан яралган ажиб бир диёр,
Ҳар қарич тупроғи кўзга тўтиё.
(Шеър қисқартиб берилди).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда ўлка ҳақидаги шеърларнинг маъно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар билан ўзаро алоқа ўрнатиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мумкин.

“Ўлка ҳақидаги адабиётларни ва манбаларни биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилиш учун тавсиялар

Беллашувни ўтказишдан мақсад ўлка ҳақидаги, яъни ўлка табиати ва табиий бойликлари, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фани, маорифи ва маданияти, адабий ҳаёти, дини ҳамда тарихи, ўлканинг машҳур кишилари тўғрисида ёзилган илмий ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8–10 кишидан иборат 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга, асосан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари икки гуруҳга мўлжаллаб саволлар тузиб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини ўлканинг этнографияси, топонимикаси, географияси, тарихий ёдгорликлари, санъат ёдгорликлари, миллий қадриятларига, халқ урф-одатлари, моддий ва маънавий маданиятига оид монография, китоблар, илмий ва бадиий асарлар, альбомлар, хотиралар, эсдаликлар, ёдномаларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда ўлканинг тарихи ва бугунини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия этамиз.

Қўйида билимдонлар беллашувига қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. “Ўлка” тушунчасини изоҳлаб беринг?

(“Ўлка” тушунчаси тор маънода маҳалла, жамоа ҳўжалиги, қишлоқ, кенг маънода эса кишининг туғилиб ўсган қишлоғи, тумани, вилояти, шаҳрини билдиради).

2. Ўлкашунослик ташкилий жиҳатдан неча турга бўлинади?

(Ўлкашунослик ташкилий жиҳатдан уч турга бўлинади:

1. Илмий, яъни давлат ўлкашунослиги;

2. Жамоат ўлкашунослиги;

3. Мактаб ўлкашунослиги).

3. Айнан ўлка мавзусида ва ўлкани мадҳ этган шеърлардан мисоллар келтиринг ҳамда ихтиёрий биттасидан бир парча айтиб беринг.

(Азали Акифнинг “Тошкент оқшоми”, Рамз Бобожоннинг “Тошкент оқшоми”, “Тошкент кўчалари”, Э. Воҳидовнинг “Тошкент садоси”, Т. Иброҳимовнинг “Тошкент руҳи”, А. Кўчимовнинг “Тошкент”, Азим Суённинг “Тошкент”, И. Юсуповнинг “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам”, Қ. Ўтаевнинг “Тошкент”, Я. Кўчқоровнинг “Тошкент қасидаси”, Ғафур Ғуломнинг “Тошкент”, “Тошкент оқшоми”, Ҳамид Ғуломнинг “Тошкент таронаси”, Неъмат Зикрилланинг “Юрагимда ёниб турган Бухоромсан”, “Бухорони кўрмаган бўлсанг”, “Бухоронинг миноралари”, “Бухором”, Г. Абдурахмонованинг “Самарқанд”, М. Азоровнинг “Самарқанд кечалари”, Б. Дониёровнинг “Самарқандим” Ж. Жабборовнинг “Самарқанд”, А. Ивановнинг “Самарқанд кузи”, Камол Жамолнинг “Самарқанду Бухоро бу...”, Муҳаммад Юсуфнинг “Самарқанд”, Ж. Эрдоновнинг “Самарқанд”, Ҳамид Ғуломнинг “Самарқандим”, Холниёз Холиқназарнинг “Андижонни алқайман”, Муҳаммад Юсуфнинг “Андижоним”, “Марғилон”, Х. Қурбонбоевнинг “Андижон шаънига”, Э. Самандаровнинг “Хоразм бу” ва бошқа шеърлар.

Зикрилла Неъматнинг “Бухором” шеъридан парча:

Бухором, бебаҳо, ажиб маъвосан,
Уммонга қўйилган азим даёрсан.
Бағрингда улғайдим, йўқдир армоним.
Мен учун дунёлар ирча дунёсан,
Қалбимга қувватсан, кўзга зиёсан.
О, менинг қадимий сирли Бухором,
Эртақлар ўлкаси, нурли Бухором!)

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Андижон”га берган таърифини айтиб беринг.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Андижонга шундай таъриф берган: “Андижон нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг жаннатга тенг гўшаларидан бири бўлиб, бетакрор табиати, сахий ва мард, ғурурли, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ўзига муносиб ном топган”).

5. Қуйида келтирилган парчанинг муаллифи ким ва шеърнинг номини айтинг.

Чиройингга чирой қўшмоқ эзгу тилагим,
То тирикман, буюк номинг шонларга буркай.
Она шахрим гўзал Тошкент – олтин бешигим,
Бор меҳримни жоним қўшиб, пойингга тўкай.

(Юқоридаги парча Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Камола Эрматованинг “Она шахрим гўзал Тошкент” шеърдан олинган).

6. “Жаннатмакон Андижон” рисоласининг муаллифлари кимлар?

(“Жаннатмакон Андижон” рисоласининг муаллифлари С. Шокаримов ва А. Султоновлардир).

7. Андижон шаҳрида мусиқали драма ва комедия театри қачон ташкил топган ва бу даргоҳдан қайси санъаткорлар етишиб чиққан?

(1918 йили Туркистонда биринчилар қаторида Андижон шаҳрида мусиқали драма ва комедия театри ташкил топди. Бу даргоҳдан Аббос Бакиров, Музаффар Муҳаммедов, Халима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Сойиб Хўжаев, Асад Исматов, Тўхтасин Жалилов, Ойсари Иброҳимов, Хадича Аминова ва бошқа йирик санъаткорлар етишиб чиқдилар).

8. Ўлкашуносликка оид нашрларни чоп этувчи нашриётларни айтиб беринг?

(Ўлкашунослик адабиётлари республикамиздаги деярли барча нашриётларда босилиб чиқарилади. Жумладан, Андижон, Самарқанд, Қорақалпоғистонда 2 тадан нашриёт бор. Бу нашриётларнинг ҳаммасида ўлкашуносликка оид адабиётларни ҳам чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бу нашриётлар: “Қорақалпоғистон”,

“Билим” (Қорақалпоғистон Республикаси); “Андижон”, “Ҳаёт” (Андижон вилояти); “Бухоро”, “Жиззах”, “Наманган”, “Насаф” (Қашқадарё), “Zag qalam” (Гулистон, Сирдарё вилояти); “Зарафшон” ва “Сўғдиёна” (Самарқанд вилояти), “Фарғона”, “Хоразм” (Хоразм) ва бошқалар).

9. Ўлка ҳақидаги адабиётлар, асосан, қайси тилларда нашр этилади?

(Адабиётлар, асосан, ўзбек, рус, қорақалпоқ тилида, тожик тилида ҳам нашр қилинади).

10. Андижон ҳақида ёзилган бадий асарларни биласизми?

(Олимжон Холдорнинг “Андижон сулуви”, “Андижон баҳори”, “Мен Андижонман”, “Андижон самоси” каби асарлари бор).

11. Тарихий ўлкашунослик ёдгорликларига қандай нашрлар киради?

(Тарихий ўлкашунослик ёдгорликларига инсоният ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг босқичлари, инқилобий ҳаракатлар бўлиб ўтган жойлар, атоқли саркардалар, йирик давлат, фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ воқеалар бўлиб ўтган жойлар, ўтмишда қолган қўлёзма асарлари ва шу кабилар киради).

12. Археологик ёдгорликлар нима ва уларга оид қандай нашрлар бор?

(Археологик ёдгорликларга кўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, корхоналар, каналлар, шунингдек, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлар, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирлар киради. Юқорида кўрсатилган манбаларнинг мавжудлигини акс эттирган илмий нашрлар, тадқиқотга доир нашрлар, у ёки бу кўринишда акс эттирилган китоблар, рисоалар, мақолалар киради).

13. Ўлка ҳақидаги ёдгорлик ҳужжатларига нималар киради?

(Ёдгорлик ҳужжатларга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларидан қолган турли ҳужжатлар, бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлар ва овозли ёзувлар, шунингдек, қадимий қўлёзма ҳамда архив материаллари, фольклор ва мусиқа ёзувлари, нодир босма нашрлар киради).

14. Ўлка этнографик ва топонимик материалларини айтиб беринг?

(Ўлка этнографик ва топонимик материалларига халқ урф-одатлари, моддий ва маънавий маданият, халқларнинг эртак,

фольклор, мифологияси ҳамда жой номларнинг илмий жиҳатдан келиб чиқишини ўрганишга оид бўлган манбалар киради).

15. “Хива” тарихий-этнографик очерклар рисоласи ким томонидан қачон нашр этилган?

(“Хива” тарихий-этнографик очерклар рисоласи А. Абдурасулов томонидан тайёрланган ва 1994 йилда “Ўзбекистон” нашриётида нашрдан чиққан).

16. Ўлка адиблари ва шоирлари ҳақида нашр этилган қайси рисоаларни биласиз?

(Н. Каримовнинг “Тошкент шоирлари” (2007), Ҳамиджон Ҳомидий, М. Маъмуровларнинг “Наманган адиблари” (2007), У. Шукuroв, З. Муҳиддиновларнинг тўплаб нашрга тайёрлаган “Андижон шоир ва ёзувчилари” (2003), Б. Йўлдошевнинг “Қашқадарё бадияти” (тазкира, адабий-танқидий мақолалар тўплами) (1998) ва бошқалар).

17. Қамчибек Кенжа (Кенжабоев)нинг “Андижондан Даккагача” сафарномаси қачон нашр этилган?

(Қамчибек Кенжа (Кенжабоев)нинг “Андижондан Даккагача” сафарномаси 2003 йилда нашр этилган).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва ўлка ҳомийларининг совғалари ҳамда эсдаликлар топшириш мумкин.

“Адабиётшунос-ўлкашунос” тўгараги фаоллари билан савол-жавоб кечасини ўтказиш учун саволлар

1. Ўлка бадий адабиётининг миллат ҳаётидаги ўрни.
2. Минтақа ва ўзбек адабиёти.
3. Ўтмишда минтақада яшаб ўтган адиблар ижодини ўрганишнинг ҳолати.
4. Ҳудуд ва замонавий ўзбек адабиёти ҳақидаги фикрларингиз.
5. Адабий ўлкашунослик кўникмаларини шакллантиришнинг аҳамияти нималардан иборат?
6. Адабий-ижодий кўникмаларни шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти.

7. Ўлка ҳақидаги адабий нашрларнинг чоп этилиши.
8. Қайси шоир ва ёзувчиларнинг ўлка ҳақидаги асарларини биласиз?

Ўлка этнографияси бўйича ижодий танлов

1. Ўлка этнографияси ҳақида нималарни биласиз?
2. Ўзбек халқи этнографиясига оид асарлар ёзган хорижлик олим ким?
3. “Қўқон хонлигида” асарининг муаллифи ким ва асар ҳақида сизнинг фикрингиз?
4. “Хива” тарихий-этнографик очерклар асарининг муаллифи ким?
5. “Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш” асарининг муаллифи ким ва у асар қачон нашр этилган?
6. Хорижлик муаллифлардан бири Бухорода туриб этнографик материаллар тўплаган, ўша муаллиф ким ва қайси йилларда бу иш билан шуғулланган?
7. И. Жабборовнинг этнография ҳақида ёзган асарларини ва уларнинг бир-биридан фарқини айтиб беринг.
8. “Анъанавий ўзбек кийимлари” этнографик материаллар асарининг муаллифи ким?

“Фольклоршунос-ўлкашунос” тўгараги аъзолари билан давра суҳбати ўтказиш учун саволлар

1. Ўлкада фольклор асарлари ва уларнинг миллат маънавиятини шакллантиришдаги ўрни.
2. Ҳудуддаги оғзаки ижод намуналари .
3. Ўлка халқ оғзаки ижоди жанрлари.
4. Минтақадаги халқ истеъдодлари.
5. Сайёҳлик кўникмаларини шакллантириш.
6. Ўлка фольклор намуналарини ёзиб олишнинг ҳолати.
7. Ёзиб олинган ижод намуналарини умумлаштириш, солиштириш, рўйхатга олиш ва таснифлашнинг ҳолати.

Ўлкашунослик адабиётлари тарғиботига бағишлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китоб тақдироти

1. “Шаҳрисабз баёзи” китоби,
2. Б. Бердиевнинг “Навоий вилоятининг тарихий манзилгоҳлари” китоби,
3. Қ. Собировнинг “Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари муҳофаа иншоотлари” китоби,
4. Т. Содиқовнинг “Андижоннинг Солижони” бадиалари,
5. С. Бўлдиевнинг “Бухоро сирлари” китоби,
6. Қ. Рашидовнинг “Бойсунлик олимлар” китоби,
7. М. Бойқуловнинг “Шерободнинг шер қизлари” китоби

тақдироти

“Ўлкам тарихи”, “Ўлка санъати”, “Ўлкамиз — бадиий адабиётда”, “Ўлка табиати”, “Ўлканинг маориф ва маданияти”, “Ўлканинг адабий ҳаёти” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Илмий конференция

1. “Хоразмнинг шифобахш ўсимликлари”,
 2. “Хоразм дostonчилиги эпик анъаналари”,
 3. “Андижоннинг тарихи ва бугуни”,
 4. “Наманган ХХІ асрда”,
 5. “Сурхондарё дostonчилигига чизгилар”,
 6. “Шаҳрисабз тарихий обидалар”,
 7. “Самарқанднинг ўтмиши ва бугуни” каби мавзуларда.
- “Хоразм қовунлари”, “Марғилон ХХІ асрда”, “Фарғона дўпписи”, “Сурхондарё бадиий адабиётда”, “Ўлкамиз этнографияси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Китобхонлар конференцияси

1. “Ўлка миллий анъаналари”,
2. “Ўлка миллий қадриятлари”,
3. “Ўлка табиати ва табиий бойликлари”,
4. “Ўлканинг ижтимоий ҳаёти”,
5. “Ўлканинг адабий ва маданий ҳаёти”,
6. “Ўлканинг санъати” каби мавзуларда.

“Ўлкам боғу-роғларга буркансин”, “Ўлкам гулларга буркансин”, “Янада обод бўл, азиз ўлкам”, “Ўлкам топонимлари”, “Нурафшон диёрим бор менинг”, “Хизмати элга манзур”, “Халқ саломатлиги йўлида”, “Ўлкам аёллари”, “Ўлкам келажаги йўлида”, “Халқ маданий мулкини асрайлик”, “Ўлка шеърляти” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Илмий семинар

1. “Хива : ўтмишда, ҳозирда, келгусида”,
 2. Бобурнинг “Бобурнома” асарида этнографик маълумотлар,
 3. “Ёш авлод тарбиясида ўлка ҳақидаги адабиётларнинг ўрни”,
 4. “Ўлкамизнинг қадимий ёдгорликлари ва уларнинг ҳозирги аҳволи”,
 5. “Ўлка табиати ва ҳайвонот дунёси”,
 6. “Ўлка халқ таълимининг тараққиёт йўли”,
 7. “Бухоро тарихи ва ҳозирги аҳволи”,
 8. “Ўлкамиз тарихига бир назар” каби мавзуларда,
- “Ўлкам — менинг олтин бешигим”, “Тарих тилга кирганда”, “Ўлкам — фаҳрим менинг”, “Ўлкам мозийдан сўзлар”, “Ўлкамиз этнографиясини ўрганайлик” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Ўлкамиз урф-одатлари ва миллий қадриятларини биласизми?”
2. “Ўлка ёзувчиларини биласизми?”
3. “Ўлка тарихини биласизми?”
4. “Ўлка адабий муҳитини биласизми?”
5. “Ўлка табиати ва ҳайвонот дунёсини ўрганамиз”
6. “Ўлка урф-одат ва қадриятларини биласизми?”
7. “Ўлка саноатини биласизми?”
8. “Ўлка фермерларининг ҳозирги фаолиятини биласизми?”
9. “Ўлка ўлкашунослик тўғаракларини биласизми?”
10. Ўлка меъморий ёдгорликларини биласизми?
11. Ўлка меъморий ёдгорликларини биласизми?
12. “Ўлка маорифи: ўтмиши ва ҳозир” каби мавзуларда.
“Ўлкам маданияти”, “Ўлкам полвонлари”, “Ўлкам санъати”, “Жонажон ўлкам”, “Ўлкам фахрийлари”, “Ўлкам қаҳрамонлари”, “Ўлкамизнинг машҳур кишилари”, “Қадриятлари қадрланган ўлкам”, “Тарихингдир минг асрлар...”, “Ўлка мустақиллик йилларида”, каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Ўлканинг тарихини ўрганишда мактаб ўлкашунослик тўғаракларининг ўрни”,
2. “Ёшларга ўлка урф-одатларини ўргатишда тўғаракларнинг ўрни”,
3. “Ўлка тарихининг ўқилмаган саҳифалари”,
4. “Замонавий ўзбек адабиёти тараққиётида маҳаллий адибларнинг ўрни”,
5. “Минтақадаги адиблар ижоди ва бугунги ўзбек адабиёти”,
6. “Минтақадаги rassomлар ижоди ва бугунги кунда уларнинг ўрни”,
7. “Ҳудуд санъаткорларининг ижоди ва бугунги санъатдаги ўрни” каби мавзуларда.
“Остонадан бошланар ҳаёт”, “Яшасин ҳамиша оламда меҳр”,

